БУГУНГИ СОНДА:


Пойтахтдаги қурилиш объектларида: қурувчилар хавфсизлиги қай даражада таъминланган?
3-бет

Қурилиш соҳасидаги янги платформалар аҳоли муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга хизмат қилмоқда

4-бет


Кластер усули: 2021 йилда 437 млрд сўм маблағ тежалишига эришилди
5-бет

“Кулолчилик маҳсулотлари саноат зонаси” иш бошлади

8-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 36-37 (589-590)
2022 йил 24 май, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СЕЛЕКЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда спорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, ёшларнинг қизиқишлари қўллаб-қувватланмоқда. Сўнгги беш йилда 118 та янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди. Барча маҳаллалардаги ёшларни спортга жалб этиш бўйича илк бор “беш босқичли” мусобақалар бошланди. Апрель-май ойларида ўтган биринчи ва иккинчи босқичларда 3 миллиондан зиёд ёшлар иштирок этди.

Лекин қобилиятли йигит-қизларни саралаб, профессионал спортчиларга айлантиришга эътибор йўқ. Бунда бошланғич тизим бўлган спорт мактаблари билан Олимпия захиралари коллежлари ва Олий спорт маҳорати мактаблари ўртасида узвийлик йўлга қўйилмаган. Мисол учун, 190 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида борйўғи 10 та олимпия спорт тури ўргатилади. Спорт федерациялари Олимпия захиралари коллежлари билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Шу боис йиғилишда спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Унга кўра, энди ҳар бир маҳаллада апрель-июнь ва сентябрь-декабрь ойларида мусобақалар ташкил этилиб, яхши натижа кўрсатган ёшлар электрон рўйхатга киритилади ҳамда ҳудуддаги спорт мактабида малакали мураббийлар билан бепул шуғулланиш имконига эга бўлади. Улар жисмоний тайёргарлик даражаси ва разрядига қараб, кейинги босқичга ўтказилади. Спорт мактаблари муайян олимпия спорт турлари бўйича базага айлантирилади. Мураббийларнинг иш ҳақи 35 фоизга оширилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий этиб, яхши натижа кўрсатган маҳаллаларни рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Йил якунигача 508 та маҳаллада кўп функцияли спорт майдончалари қурилиши қайд этилди.

Бугунги кунда Олимпия захиралари коллежларига 14 ёшдан катта ўсмирлар қабул қилинмоқда. Оқибатда ёшларни Олимпия ўйинларига тайёрлаш кеч бошланаяпти.

Шу боис, бу борада ривожланган давлатлардаги илғор тажрибалар ўрганилди. Энди у асосида спортчиларни профессионал тайёрлаш тизими ислоҳ қилинади. Яъни, бу соҳадаги коллежлар Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази сифатида ташкил этилади. Бу марказлар 5-9-синфлар учун Олимпия мактаби, 10-11-синфлар ҳамда 1-2-курслар учун Олимпия ва паралимпия коллежи бўлиб хизмат қилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида илғор тренер ва хорижий экспертлардан иборат Мураббийлар кенгаши тузилиб, мусобақаларда энг юқори натижага эришган ёшларни коллежларга саралаб олади. Коллеж битирувчилари эса келгусида Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади. Шу тариқа, профессионал спортчилар тайёрлашнинг узлуксиз тизими яратилади.

Спортни ривожлантириш вазирлигига 20 та истиқболли олимпия турини белгилаб, улар бўйича ҳудудий “таянч база”ларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги илмий салоҳият ҳам талаб даражасида эмаслиги айтилди. Маҳаллий олимлар томонидан бирорта спорт тури бўйича на методика, на дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунда спортчиларни тайёрлаш 30 йил олдинги дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Спорт диетологияси, фармакологияси, психологияси, спорт муҳандислиги, кардио-машғулотлар бўйича мутахассислар тайёрланмаяпти.

Шу боис, олимпия спорт турлари бўйича спортчиларни жисмоний ва руҳий тайёрлаш, соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб Жисмоний тарбия ва спорт университетида спорт диетологияси, муҳандислиги ва кардио-машғулотлар, Тиббиёт академиясида спорт медицинаси ва фармакологияси бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ,

**2022 йил 1 июндан бошлаб:**

- бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори **12 фоизга** оширилади;

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:**

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига **920 000 сўм**;
- базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **300 000 сўм** этиб белгиланди;
- бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;
- иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилади.

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## Халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

**Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ўртасида қурилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда.**





Бу борада куни кеча Қурилиш вазирлигида Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов Бошқирдистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Раиф Адраҳимов билан бирга манфаатли алоқаларнинг истиқболларини муҳокама қилди. Раиф Адраҳимов юртимиздаги уй-жой қурилиши билан боғлиқ режаларга қизиқди.

Томонлар икки давлатнинг ипотека кредитлаш дастурлари ва масалаларини, амалдаги банк ставкалари ҳамда прогнозларини муҳокама қилдилар.

Бундан ташқари, Д. Адилов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “ТехноНИКОЛ” (Бошқирдистон) заводини ишга тушириш масаласини кўриб чиқишни таклиф қилди. Ҳар икки республикада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг позициялари ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

## Мутасаддилар Қозоғистонда

**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари Ш. Жаҳонгиров, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш. Атажонов, Пудрат хизматлари бозорини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Т. Алиматов бошчилигидаги делегация аъзолари Қозоғистон Республикасида бўлиб туришибди.**



Улар Қозоғистондаги йирик қурилиш материаллари корхонасида бўлиб, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган замонавий илғор технологиялар билан яқиндан танишишди. Хусусан, “Модекс” корхонасида халқаро миқёсда ўзини оқлаган энерготежамкор қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Амалий ташриф бу борадаги ҳамкорликнинг бугунги ва истиқболини белгилашда, алоқаларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Масалан, ушбу технология орқали 9 қаватли, 5 та йўлакли бино ва иншоотни жуда тез муддатда барпо этиш мумкин. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, икки ҳафта муддатда 21 минг квадрат метр қурилиш ишларини бажариш имкони бор. Бошқа корхоналардан фарқли ўлароқ, бу технология, яъни керамзитобетон ёрдамида блок устма-уст тартиб билан териб чиқилади. Ҳаттоки интерьердаги гулқоғозлар ҳам аввалдан ёпиштирилган ҳолатда бўлади. Эътиборли томони, бу технология билан 35 қаватли уйларни қуриш мумкин.

Делегация аъзолари шу каби жаҳон қурилиш индустриясида амалга татбиқ этилаётган инновацион технологиялар билан яқиндан танишдилар. Ҳамкорликнинг келгусидаги истиқболлари юзасидан ҳам музокаралар бўлиб ўтди.

## BIM технологияси мавзусида учрашув



**Қурилиш вазирлиги ва “BNZ Idustrial Support” МЧЖ ташаббуси билан “Лазер сканерлаш технологиялари, BIM технологияси ва уларни иш ечимларида қўллаш” мавзусида учрашув ташкил этилди. Унда ҳозирги кундаги лазер сканерларининг янги авлодлари, шу жумладан, жаҳонга машҳур “Leica geosystems AG” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган лазер сканерларини яқиндан кўриб, ўрганиб чиқиш имкони яратилди.**

Учрашувда “BNZ Idustrial Support” МЧЖ вакиллари Ахборотни моделлаштириш учун лазерли сканерлаш технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари, чоксиз 3D объект модели, BIM моделини яратиш учун аниқ маълумотлар, BIM моделидаги маълумотларни янгилаш, олинган 3D моделни BIM модели билан солиштириш, сканерлаш натижаларининг дизайн ечимларидан четланишлари ва бажариладиган ишлар ҳажмини аниқлаш, статик ва динамик муҳандислик ҳисобларини амалга ошириш, чегаравий юкларни симуляция қилиш каби мавзуларда тақдимот ўтказишди.

Ушбу технологиядан фойдаланган ҳолда эришадиган асосий мақсадлар – маълумотларнинг аниқлиги, ишлаб чиқариш жараёнларини тезлаштириш ва соддалаштириш, шунингдек, хатоларни тузатиш харажатларини камайтиришдир. BIM моделлаштиришнинг пайдо бўлиши билан қурилиш саноати учун анъанавий бўлган лазерли сканерлаш технологиялари янги маъно касб этди.

Учрашув сўнгида иштирокчиларга “Leica RTC360” лазер сканеридан фойдаланиш ва сканерлаш жараёни кўрсатиб берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## “Янги Ўзбекистон” массивлари қад кўтармоқда

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларида “Янги Ўзбекистон” массивларининг бунёдкорлик ишларига киришилди. Хусусан, Поп туманидаги “Миришкор” МФЙ ҳудуди катта қурилиш майдонига айланган.**

Бу ерда 2022-2024 йилларда 70 та кўп қаватли уйлар, 2 та кичик саноат зонаси, 1 та боғча, 1 та умумтаълим мактаби, 1 та экопарк ва бошқа муҳим объектлар барпо этилади. Минглаб манзарали ва мевали дарахтлар ҳам кўкка бўй чўзмоқда, улар ҳудудни тоза ҳаво билан таъминлайдиган “яшил макон”га айланади.

Аввалроқ шу атрофдаги Ғурумсарой қишлоғида мазкур дастур доирасида 5 та 5 қаватли уй-жойлар қуриб битказилганди. Айни вақтда яна бир қатор кўп қаватли уйларни фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

– Ўн беш йилдан буён уйсиз эдим, – деди Мафтуна Улуғмуродова. – 5 нафар фарзандим бор, кичик ўғлимнинг оиласи учун уй-жой қилишда қийналдим. Мана, бугун уч хонали уй берилди. Бунинг учун Юртбошимиз ва қурувчилардан миннатдорман.

Чустнинг “Гулзор” массивидаги “Садача” даҳаси ҳам ҳозир улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Яқингача бу ерлар қуп-қуруқ дашт эди. Энди эса 28 та кўп қаватли турар жойларнинг қурилиши жадал давом этяпти. 5, 7 ва 9 қаватли бинолар бу даҳанинг кўркига айланиши турган гап.

– Мазкур массивлардаги бинолар қурилиши лойиҳалаштиришдан бошлаб назоратимиз остига олинган, – деди вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акрамжон Охунов. – Улардаги барча ишлар талаб даражасида бўлади. Қисқаси, “Янги Ўзбекистон” массивлари тез орада ҳар икки туманнинг обод ва кўркам масканларга айланишига шубҳа йўқ.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36-37 (589-590) 2022 йил 24 май

# ШАҲАРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ВА ЮРТИМИЗ ТАЖРИБАСИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун қурилиш соҳаси қанчалик жадаллик билан ривожланаётган бўлса, шунчалик ислоҳотга ҳам эҳтиёж сезмоқда. Чунки бу соҳа бир жойда тўхтаб, ривожланиб қолмайди, ҳатто бир кунда ҳам оламшумул янгиликлар содир бўлиши ҳеч гап эмас. Шаҳарсозликнинг янги норма ва қоидаларини ўрганиш ва энг мукаммал дея тан олинган дунё тажрибаларини ўзлаштириш эса бу борада катта аҳамиятга эга.**




Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида БМТ Бош Ассамблеясининг юқори даражадаги йиғилишида юртимиздан вакил сифатида иштирок этган мутахассислар ҳам уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши масаласи юзсидан ўз билим ва тажрибаларини янада ошириб қайтишди.

Маълумот учун, 2016 йил октябрь ойида Киото шаҳрида БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича конференцияси якунлари бўйича янги шаҳарсозлик дастури қабул қилинган. Бу шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва экологик ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг 11-мақсадини амалга оширишни тезлаштиришга йўналтирилган истиқболли ҳужжатдир.

Тадбирда Бош Ассамблеянинг 76-сессияси раиси А. Шаҳид, БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари А. Муҳаммад, ташкилотнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши раиси К. Келапиле, БМТнинг аҳоли пунктлари дастури ижрочи директори М. Моҳт Шариф, 40 га яқин давлатнинг Урбанизация қурилиши бўйича вазирлари, БМТга аъзо давлатларнинг доимий вакиллари, маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органлари, шунингдек, илмий, академик ва фуқаролик жамияти вакиллари қаторида Ўзбекистон делегациясидан Қурилиш вазирлигининг ишчи гуруҳи ҳам қатнашди. Хусусан, Қурилиш вазирлиги Аппарат раҳбари, ишчи гуруҳи раҳбари Воситжон Имомов, Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Шаҳзодбек Курбаниязов, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” институти бош директори Бобур Элмуродов, “ТошбошпланЛИТИ” ДУК Шаҳарсозлик бўлими бош архитектори Саидазим Шариповлар қатнашди.

Ушбу йиғилишда уй-жой сиёсатининг долзарб масалалари, барқарор урбанизацияни жадаллаштиришнинг илғор усуллари, шунингдек, аҳоли фаровонлигини ошириш, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этган ҳолда шаҳарларнинг ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш йўллари юзасидан фикрлар алмашилди.

Форумнинг очилишида БМТ Бош Ассамблеяси раиси А. Шаҳид сўзга чиқиб, шаҳарлар доимо бунёдкорлик, илмий изланишлар, иқтисодий ўсиш ва инновациялар марказлари бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолишини таъкидлади. Шу билан бирга, улар аҳоли сонининг кўпайиши, экологик беқарорлик, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ва тенгсизлик билан боғлиқ мураккаб муаммолар манбаи ҳисобланади. Унинг сўзларига кўра, шаҳарларда атроф-муҳит сифатини яхшилаш – сув ва канализация етишмаслиги муаммоларини ҳал этиш, барқарор транспорт, ишлаб чиқариш ва истеъмолни таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни самарали бошқаришни тақозо этади. Қолаверса, у ўз сўзида қашшоқликка барҳам бериш иқлим ўзгаришига, миграцияга, ер деградациясига қарши курашиш, иқтисодий фаровонлик ва тинч жамият қуриш каби бир қатор ўзаро боғлиқ масалаларда ўзгаришларга туртки бериши мумкинлигини ҳам айтиб ўтди.

Йиғилишда сўз олган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари А. Муҳаммед “Янги шаҳарсозлик дастури муаммоларни ҳал қилмасдан ва шаҳарлар салоҳиятини очмасдан туриб, барқарор ривожланишни таъминлашнинг имкони йўқ” дея таъкидлади. Шу муносабат билан у урбанизация XXI асрнинг ўзига хос хусусияти ва бу жараён пухта режалаштирилиб, самарали амалга оширилса, фаровонликни рағбатлантиришнинг “кучли воситаси”га айланишини айтиб ўтди. Унинг фикрича, ҳозирда дунё аҳолисининг 50 фоиздан ортиғи шаҳарларда истиқомат қилади, 2050 йилга бориб эса бу кўрсаткич 70 фоизгача ошишиш кутилмоқда.

ЭКОСОС раиси К. Келапиле шаҳарлардаги “тенгсизлик” муаммоларини ҳал қилиш учун молиялаштиришни кўпайтириш муҳимлиги ҳақида сўз юритиб, аҳоли пунктларида “уй-жой” мавжудлигига қарамай, қароқчи туманлар ва бошпанасизлар сонининг ўсиб бораётганини билдирди. Унинг фикрича, бу тенденциянинг сабаби “шаҳарсозлик ва ривожланишнинг иқтисодий бой одамларга қаратилиши”дир. Шу муносабат билан, у аъзо давлатларни уй-жойни “биринчи навбатда, инсон ҳуқуқи” сифатида жойлаштиришга ва “янги иш ўринлари ва даромадлар ўсиши учун қулай муҳит яратадиган” арзон уйлар қурилиши учун маблағни кўпайтиришга чақирди.

БМТ Ҳабитат ижрочи директори М. Шариф Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сўнгги тўрт йил давомида янги шаҳарсозлик кун тартибини амалга ошириш бўйича маърузасининг асосий қоидаларига тўхталди. Унда арзон уй-жойларни мамлакатнинг адолатли ривожланишининг асосий омили сифатида интеграциялашуви талаб қилинади. Унинг таъкидлашича, уй-жой қурилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларида асосий роль ўйнайди, шунингдек, соғлиқни сақлаш, бандлик, таълим ва рақамлаштириш соҳалари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. М. Шарифнинг фикрича, самарали шаҳарсозлик “иқлим ўзгариши оқибатларини комплекс ҳал қилишга, жумладан, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ҳаво ифлосланишини камайтиришга хизмат қилади.

Олий даражадаги учрашувнинг бошқа иштирокчиларининг тақдимотлари бешта асосий устувор йўналишга қаратилди. Хусусан, COVID-19 пандемиясидан тикланиш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш, арзон уй-жой ва асосий хизматлардан фойдаланиш орқали тенгсизликнинг кучайишига қарши курашиш, барқарор шаҳар иқтисодиётини рағбатлантириш ва башорат қилинадиган молиялаштириш, урбанизация натижасида атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, жамиятнинг барча тармоқлари ва манфаатдор томонларнинг шаҳарсозликда иштирокини илгари суриш масалалари шулар жумласидандир.

Шаҳарлар ривожланиши учун қуйидагилар тавсия қилинди:

– соғлом, яшил ва хавфсиз жамоалар учун шаҳарларни режалаштириш. Муҳокамаларда сўзга чиққан етакчи архитекторларнинг фикрича, пухта ўрганиш ва илмий далиллар асосида шаҳарнинг узоқ муддатли бош режаларини ишлаб чиқиш инфратузилмасининг иқлим ўзгариши ҳамда турли пандемиялар ва бошқа инқирозлар таъсирига чидамлилигини оширади;

– арзон уй-жойларни жорий этишни жадаллаштириш. Сўзга чиққанлар давлат дастурлари ва хусусий уй-жой қурилиши лойиҳаларини, шу жумладан, ҳамоҳанглаштириш муҳимлигини таъкидлашди. Бунга меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва молиялаштириш манбаларини кўпайтириш орқали эришиш мумкин;

– шаҳарларда инклюзивлик ва тенгликни таъминлаш. Шаҳар аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашни институционализация қилиш, шу жумладан, иқтисодиётнинг норасмий сектори вакиллари, жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлар, қариялар, болалар) эҳтиёжларини қондириш учун инфратузилмани такомиллаштириш;

– шаҳарларнинг энергия самарадорлиги ва экологик тозалигини оширишнинг инновацион усулларини жорий этиш. БМТ маълумотларига кўра, шаҳарлардаги аҳоли пунктлари глобал энергия истеъмолининг 67-76 фоизини ва инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид чиқиндиларининг 70-76 фоизини ташкил қилади. Шу боис, энергия тизимини модернизация қилиш, чиқиндиларни тозалаш, сув таъминоти ва канализация, шунингдек, транспорт соҳасига сармоя киритиш;

– одамларнинг эҳтиёж ва манфаатларига йўналтирилган “ақлли шаҳарлар”ни ривожлантириш, автоматлаштиришни фаол жорий этиш, шаҳар хизматларини рақамлаштириш, шунингдек, ишсизликка қарши курашиш;

– ер ресурсларини самарали бошқаришни таъминлаш. Маърузачилар таъкидлаганидек, бу омил шаҳарлар ободлигини таъминлашнинг асосий воситасидир. Ушбу режада ер участкаларидан фойдаланишда чайқовчиликка барҳам бериш чораларини кўриш ва бунда “Ерни баҳолаш” каби инновацион ёндашувларни қўллаш;

Булардан ташқари, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда давлат ва жамиятнинг барча тармоқларини қамраб олувчи комплекс ва яхлит сиёсат олиб бориш лозимлиги айтилди. Маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органларини шаҳарларни бошқариш салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўз навбатида, тадбирда ўзбекистонлик иштирокчилар ҳам мамлакатимизда шаҳар ва аҳоли пунктларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган мақсадли ишлар ҳақида маълумот беришди. Сўнгги йилларда ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган концептуал ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг янги уй-жой сиёсатини амалга оширишни назарда тутувчи асосий қоидаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда шаҳарсозликда инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси” доирасида бир қатор ишлар бажариляпти. Аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, муҳандислик-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани, шу жумладан, барча қатламлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилиш бўйича аниқ натижалар қайд этилди. Таъкидланганидек, сўнгги беш йилда кўп қаватли уйлар қурилиши уч баравар кўпайди. Шаҳарларни ривожлантириш биринчи навбатда уларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш асосида амалга оширилади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида Қурилиш вазирлиги зиммасига тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, “Шаҳарлар қулайлиги” индексини жорий қилиш лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган, – деди Қурилиш вазирлиги Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Шаҳзодбек Курбаниязов. – Бунда БМТ Хабитат дастури, хорижий давлатлар тажрибаси ва тегишли имзоланган халқаро шартнома ҳамда меморандумлардан фойдаланиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мазкур Давлат дастурида ҳудудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш, шаҳарларни рақамлаштириш, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш, шаҳарларни “ақлли шаҳар” концепциясига мувофиқ ривожлантириш, аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари ҳам юклатилди. Айни вақтда Қурилиш вазирлиги томонидан тегишли вазирлик (идора)лар билан биргаликда мазкур вазифаларни амалга ошириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, БМТ Бош Ассамблеясининг Шаҳарларни ривожлантиришнинг янги (Хабитат) дастурини амалга оширишдаги муваффақиятларни баҳолаш бўйича ўтказилган юқори даражадаги йиғилишида тингловчи сифатида қатнашиб, ўзимиз учун керакли йўналишларни ўзлаштириб қайтдик. Йиғилиш якунида мамлакатимизнинг янги шаҳарсозлик дастурини самарали амалга ошириш, шунингдек, БМТ тизими ва бу борадаги бошқа барча халқаро ҳамкорлар билан мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорликни кучайтириш тарафдори эканлиги тасдиқланди.

Андижондан дараклар

# ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАНЗИЛИДИР

**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Янги бинолар, иморатлар халқимиз учун янги имкониятлар эшигини очади. Шаҳрихон туманида бўлганимизда янгидан-янги тадбиркорлик объектлари барпо этилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу нафақат, ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, балки, аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.**



Хусусан, Қум маҳалласида қад ростлаётган пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилгач, 500 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш жойига эга бўлади. Қурилиш ишлари “Elegant Shoes And” МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа ишга тушгач, бир йилда 3 миллион 100 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бу каби лойиҳалар энг аввало, маҳаллий аҳолининг қувончига сабаб бўляпти. Боиси, янги ишлаб чиқариш объектларининг ишга туширилиши фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим воситасидир.

– Маҳалламизда кўплаб хотин-қизлар, ёшлар ишга муҳтож, – деди “Бўстон” МФЙда истиқомат қилувчи Зулфияхон Мансурова. – Аксарият иш ўринлари туман марказида жойлашган. Бу баъзи аёллар учун ноқулайлик туғдирмоқда. Шу боис, маҳалламизда қурилаётган калава ип ва бахмал ишлаб чиқариш корхонасидан умидимиз катта. Айтишларича, корхона битгач, бу ерда кўплаб янги иш ўрни яратилар экан.

“Saxovat Texs” МЧЖ томонидан қурилаётган ушбу корхонанинг лойиҳа қиймати 167 млрд 855 млн сўмни ташкил қилади. Қолаверса, “Янги Ваҳм” МФЙда ҳам мато тўқиш, бўяш ва сочиқ ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилмоқда. Келгусида бу ерда 1000 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Қувонарлиси шундаки, тадбиркорлар нафақат ишлаб чиқариш йўналишига, балки бошқа соҳаларга ҳам сармоя киритмоқдалар. Бу манзилларда ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга, жойларда тиббиёт, таълим каби соҳаларни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшади. Мансурбек Мамаюсупов эса иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали таълим соҳаси тараққиётида муносиб иштирок этишни лозим топди.

– Энг яхши сармоя таълимга йўналтирилган сармоядир, – деди тадбиркор суҳбатда. –Тўғри, ҳаммамиз ҳам моддий бойликка эришишни хоҳлаймиз. Бироқ бунинг учун энг аввало, маънавиятни, илм-фанни ривожлантириш керак. Қайдаки, назария устун бўлса, шу жойда моддийлик барқарордир.

Тадбиркор томонидан Бувайда маҳалласида қурилиши бошланган хусусий мактаб физика-математикага ихтисослаштирилади. Муассаса биносини бунёд этиш учун 18,5 млрд сўм маблағ ажратилган. Унда ўқув биноси, спорт зали, ошхона, кутубхона қурилиб, бу ерда ишловчи педагог ходимлар ва таълим олувчи ўқувчилар учун барча қулайлик ҳамда шароитлар яратилади.

– Туманимизда ташкил этилаётган янги ишлаб чиқариш корхоналари сони кўпайгани яхши, – деди ёшлар вакили Акромжон Алибоев. – Бироқ, ўзимиз ҳам ҳаракатдан тўхтаб қолмаслигимиз керак. Шу мақсадда ҳар бир туманда “Ёшлар саноат ҳудудлари”нинг барпо этилиши айни муддао бўлди. Бу ташаббус 38 нафар шаҳрихонлик ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва ривожлантиришига замин яратяпти.

Айтиш жоизки, ушбу саноат ҳудудида шу пайтгача 15 та лойиҳа ишга туширилди. Уларда 200 нафардан ортиқ ёшлар самарали меҳнат қилиб келмоқда. Янги объектлар янги лойиҳалар, янги иш ўринлари, табиийки, янги давр учун янги манзил демакдир. Улар халқимиз турмуш шароитини яхшилаш ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишига, шубҳа йўқ.

# Мукаммал таъмирлаш ишлари сифат даражасини оширади

**Иншоотларда мукаммал таъмирлаш ишларининг олиб борилиши манзилларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширмоқда. Мисол учун, Андижон шаҳридаги 8-оилавий поликлиникада амалга оширилган таъмирлаш ишлари натижасида 10 та МФЙнинг 12 минг 789 та хонадонида истиқомат қилувчи аҳолига бир қанча қулайликлар яратилди.**

– Тан олиш керак, ушбу поликлиника шу пайтгача маслаҳат берувчи муассаса вазифасини ўтаб келган, – деди бемор Анваржон Акбаралиев. – Бу эса вилоят марказидаги шифохоналарга мурожаат қилишимизга сабаб бўлган. Таъмирлаш ишлари натижасида беморларга хизмат кўрсатиш кўлами ҳам ортди. Эндиликда тез тиббий ёрдам кўрсатиш, таҳлил чиқариш ва даволаш имкониятлари яратилди. Энг муҳими, тажрибали шифокорларнинг жалб этилганлигидир. Ҳозирда ҳам вақтимизни, ҳам нақдимизни тежаш имконини берган ушбу поликлиникада кундузги стационар бўлимида дардимга даво топмоқдаман.

– Аввалги шароитдан ўзимиз ҳам қониқмас эдик, – деди бош шифокор Маъруфжон Бувабеков. – Сабаби, поликлиникамиз Андижон шаҳрининг энг аҳолиси гавжум ҳудудида жойлашган бўлишига қарамай, бошқа ишхоналар билан бир хил иш тартибига эга эди. Бу эса фуқароларнинг ишдан бўш вақтларида масканимизга ташриф буюриш имкониятини чеклаб қўйганди. Таъмирлаш ишларидан сўнг тун-у кун хизмат фаолиятига ўтдик. Яратилган шароит туфайли 55 минг 987 нафар маҳалладошларимизнинг саломатлиги юзасидан нафақат тиббий маслаҳат бериш, балки уларни даволаш имкони ҳам яратилди. Мисол учун, 2021 йилнинг биринчи чорагида поликлиникамизга 258 нафар бемор мурожаат қилган бўлса, уларнинг барчаси бошқа шифо масканларида даволанишларига тўғри келган. 2022 йилнинг 1-чорагида мурожаат қилувчилар сони 346 нафарни ташкил этгани ҳолда, шундан, 307 нафарини айнан поликлиниканинг ўзида даволадик. Масканимизнинг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, энди беморлар тўғридан-тўғри ўзимизга қўнғироқ қилиб, уйга тез тиббий ёрдам гуруҳини чақиришлари мумкин. Бунинг учун техник воситалар билан таъминланганмиз. Агар бемор даволаниш шароитида бўлса поликлиникамизга олиб келинади ва зарурий муолажалар кўрсатилади.

Авваллари ушбу поликлиникага мурожаат қилган беморлар даволаниш учун 10 километр йўл босиб шаҳар марказидаги шифохоналарга боришларига тўғри келган. Эндиликда улар поликлиниканинг ўзида муолажа олиш имконига эга. Бунинг учун 20 ўринли стационар даволаш бўлими ташкил этилиб, Андижон давлат тиббиёт институти клиник кафедраси кўчириб келинди. Ҳозирда поликлиникада юрак-қон томир, нафас йўллари, овқат ҳазм қилиш системаси аъзолари касалликлари билан оғриган беморлар сони нисбатан кўп бўлиб, уларнинг шифо топишлари учун нафақат қулай шароит ва замонавий техник воситалар мужассам, балки, тажрибали тиббиёт ходимлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

# “Касб маҳорати” кўрик танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**
Бухоро архитектура ва қурилиш техникуми директори.

**Қурилиш вазирлиги таркибидаги Бухоро архитектура ва қурилиш техникумида Профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Касб маҳорати” кўрик танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**



Танловни ўтказишдан асосий мақсад, профессионал таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг касбий салоҳиятини ошириш, эгаллаган касбий компетенциялари қай даражада эканлигини аниқлаб, келажакдаги муваффақиятларига замин яратишдир. Кўрик танловни касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Й. Жумаев очиб берди.

Танловда Бухоро вилоят ҳокими ўринбосари М. Ҳамраев, Бухоро давлат университети ректори О. Ҳамидов, Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Д. Мустафоева ҳамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Танлов 8 та касб (мутахассислик) асосида 2-босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда ҳар бир иштирокчи ўзининг мутахассислигига тегишли бўлган амалий машғулотни бажарди. Иккинчи босқичда эса назарий билимларни мустаҳкамлаш учун тест синови ўтказилди. Танлов шартларини олий таълим муассасалари ҳамда иш берувчи ташкилотлардан жалб қилинган ўз касбининг тажрибали мутахассислари баҳолаб боришди.

68 нафар иштирокчи қатнашган “Касб маҳорати” кўрик-танловининг вилоят босқичида техникумимиз ўқувчилари ҳам муносиб иштирок этиб, Енгил автомобилларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш касби бўйича Меҳрожбек Аҳмедов 1-ўринни, Пайвандловчи (электрогазпайвандлаш ишлари) касби бўйича Фирдавс Рўзимуродов 2-ўринни, Қурилиш пардозлаш касби бўйича Рамазон Шеров фахрли 1-ўринни эгаллади.

Танлов ғолиблари Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси томонидан 1, 2, 3-даражали дипломлар ва совғалар билан тақдирланишди.

# ПОЙТАХТДАГИ ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА:
# ҚУРУВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНГАН?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугун пойтахтнинг тўрт томонига ҳам назар ташлаган киши камида тўртта қурилишга кўзи тушади. Ёз фаслининг бошланиши эса, ҳар доимгидек қурилиш ишларининг янада қизғин давом этишига сабаб бўлади. Куннинг иссиғию ёғин-сочинга қарамасдан жавлон уриб, бунёдкорлик билан машғул бўлаётган қурувчилар меҳнати туфайли ҳам Тошкент янада кўркам ва салобатли шаҳар мақомига эга бўлмоқда.**









Аммо куннинг иссиғида, ёғингарчилик вақтида ишлаётган қурувчиларнинг хавфсизлиги ҳар доим ҳам эътибордами?

Дунё рейтингида энг хавфли касблар орасида – қурувчилик юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Боиси, қурилишда хавфсизлик қоидаларига қанчалик қатъий риоя қилинмасин, тасодифан турли фалокатлар содир бўлиши ҳеч гап эмас. Қурилиш вазирлиги томонидан ОАВ ходимлари иштирокида ўтказилган пресс-турда ҳам айнан шу масалага эътибор қаратилди. Унда пойтахтимиздаги бир қатор қурилиш объектларида ишчилар муҳофазаси ва уларга яратилган шароитлар ўрганилди.

Пресс-тур иштирокчиларининг илк манзили пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Чинобод кўчасида жойлашган "Manzara" кўп қаватли турар жой мажмуаси бўлди. Объектда ишчилар учун яратилган шароитлар ва қурилиш материалларининг сақланиш ҳолати рисоладагидек. Умумий ер майдони 40 минг метр квадратни ташкил этадиган ушбу турар жой мажмуасида 12 та кўп қаватли уй-жойлар қурилмоқда. Мазкур уй-жойларнинг 6 таси аллақачон фойдаланишга топширилган бўлиб, олтитасида айни пайтда ишлар қизғин. Бу ерда 400 га яқин қурувчи меҳнат қиляпти. Мутахассисларнинг айтишича, улар учун техника хавфсизлиги машғулотлари ўтилади. Корхона қурилиш ташкилотлари рейтингида юқори ўринларни эгаллаб турганига қарамасдан, қурилиш майдонида баъзи камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Қурилиш объектида яратилган шароитлар, техника хавфсизлиги кўздан кечирилиб, Қурилишда ҳудудий назорат инспекцияси масъуллари томонидан ишчилар муҳофазасини таъминлаш, махсус кийимлардан фойдаланиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Журналистлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

– Учраган камчиликлар бўйича мониторинг олиб борилиб, улар юзасидан "Шаффоф қурилиш" электрон платформаси орқали тегишли камчиликларни қурилиш иштирокчиларига электрон тарзда етказишни йўлга қўйганмиз, – деди Қурилиш назорат инспекцияси Юнусобод тумани инспектори Истам Мелиев. – Ушбу объектда аниқланган айрим камчиликлар ҳам тез орада бартараф қилинади. Хусусан, устунлар коррозияга қарши икки марта бўёқ билан бўялмасдан монтаж қилинган ҳамда ортиқча шлаклардан тозаланмаган. Бундан ташқари, ишчиларнинг юриши учун айрим қаватларда хавфсизлик тутқичлари хавф-хатардан огоҳлантирувчи нур қайтаргич белгилари яъни, ленталар билан ўралмаган ҳолатлар мавжуд.

Мутахассислар мазкур ҳудуддаги масъулларга замонавий қурилиш тартиб-тамойиллари бўйича тавсиялар бергач, пресс-тур иштирокчилари шу тумандаги бошқа бир қурилиш объекти томон йўл олишди.

Юнусобод туманида қад ростлаётган кейинги турар жой биносида ҳам қурилиш ишлари авжида экан. Аммо бу ердаги вазият илк манзилдаги ҳолатнинг бутунлай акси экан. Чунки қурилиш объектида ишчиларнинг яшаши, овқатланиши учун қулайликлар у ерда турсин, ҳаттоки хавфсиз ишлаши учун ҳам шароитлар етарли даражада эмас. Бу ерда юқорига кўтариладиган вақтинчалик зинанинг ўзи мавжуд эмас, ишчилар турли темирлар орқали юқори қаватга чиқишмоқда. Мазкур бино 11 қават қилиб қурилиши режалаштирилган. Бино юқорига кўтарилган сари ишчилар билан боғлиқ нохуш ҳолатлар содир бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Мутахассислар бу ерда ҳам ишчилар учун яратилган шароит ва қурилиш сифатини ўрганиб, ўз фикрларини билдиришди.

– Хавфсизлик нуқтаи назаридан ишчиларга керакли шароит яратиб берилмаган, – деди Тошкент шаҳар ҳудудий назорат инспекциясининг Юнусобод тумани бош инспектори Собиржон Абдулҳасанов. – Ҳозир кунлар иссиқ бўлгани учун бу ҳолатда яшаш мумкиндир. Аммо инсоний жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бундай шароит яшаш учун мос эмас. Шу боис, қурувчи ташкилотлар, буюртмачи ва пудратчилардан ҳар бир ишчи энг аввало, инсон эканлигини унутмаган ҳолда яшаш ва ишлаш шароитини яратиб қўйишларини сўрар эдик.

Пресс-тур иштирокчилари йўл олган навбатдаги объект пойтахтнинг Миробод туманида жойлашган экан. Ҳудудга кираверишда қурилишнинг бирорта ҳам тартиб-тамойилига амал қилинмаётганига гувоҳ бўлдик. Уй ёнидаги ертўла, қурилаётган бинонинг юқори қаватларида хавфсизлик билан боғлиқ меъёрларга шунчаки кўз юмиб кетилган. Ишчиларнинг юқори қаватдан пастга тушиб ёки пастда ўтирганлар бошига қурилиш материаллари тушиб кетмаслигига ҳаттоки мутасаддиларнинг ўзлари ҳам кафолат бера олмаса керак. Ишчиларнинг эгнида хавфсизликни таъминловчи махсус кийимлар мавжуд эмас.

Миробод тумани қурилиш назорат инспекцияси рўйхатида турган 157 та қурилиш объектларидан бир нечтаси ўрганилганда, инспекторлар томонидан яна қатор камчиликлар аниқланди.

– Ушбу объектда қурилиш майдони қурилиш чиқиндиларидан тозаланмагани аниқланди, – деди инспектор Муродхўжа Саидаҳмедов. – Бундан ташқари, хавфсиз ҳудудларда огоҳлантириш ленталари қўйилмаган. Инспекция инспекторлари томонидан бу объект юзасидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали уч маротаба қурилиш иштирокчиларига ёзма кўрсатмалар берилган. Ёзма кўрсатмалар ўз вақтида бартараф қилинмагани учун қурилиш иштирокчилари яъни, техник назоратчи ва пудрат ташкилоти иш юритувчисига нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Кейинги манзил ҳам шу тумандаги яна бир қурилиш объекти бўлди. Қувонарли жиҳати, бу ерда олиб борилаётган ишлар нафақат пойтахт, балки юртимиздаги кўплаб қурилиш корхоналари учун ҳам намуна бўлишга арзийди. Қурувчилар хавфсизлик каскалари, махсус кийим-кечаклар ва оёқ кийимлар билан таъминланган. Овқатланиш ва яшаш шароитлари ҳам рисоладагидек. Бир сўз билан айтганда, ишчиларнинг барча хавфсизлиги таъминланган.

Айни пайтда пойтахтимизда икки мингдан зиёд қурилиш объекти фаолият юритмоқда. Кузатувлар натижасида қурилиш жараёнида ишчиларнинг ҳаёт хавфсизлиги тўла таъминланмаган объектлар ҳам кўплиги аниқланди. 15-20 метр баландликда ҳам қурувчиларнинг ишончсиз ҳавозалар устида, ўта хавфли шароитда меҳнат қилаётгани фикримизнинг далилидир. Шуни ҳам айтиш жоиз, ҳеч бир бино қурилиши инсон ҳаётини хавф остига қўйишга арзимайди. Юртимизда барча фаолият турлари учун меҳнат хавфсизлиги қоидалари белгиланган. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда ҳам қурувчиларнинг ҳаёт хавфсизлиги қурилиш ташкилотларини жиддий ўйлантириши керак. Афсуски, айрим ташкилотлар томонидан қурувчиларга яратилган шароитлар барча талабларга жавоб берса, айримларида камчиликлар бисёр. Баъзи қурилиш объектларида техник хавфсизлик талаблари бажарилган, баъзиларида эса эътиборсизлик билан ёндошилгани кўзга ташланди.

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг "Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида"ги 167-сонли конвенцияси ратификация қилинди. Билдирилишича, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчилар томонидан, айниқса, қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига эътиборсизлик ҳолатлари ва қурилиш майдончаларида ходимларга хавфсиз шароитлар яратилмагани кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, 2021 йил давомида республикада содир бўлган ва қайд этилган 574 та бахтсиз ҳодисаларнинг 168 таси, яъни, 29 фоизи қурилиш соҳасида содир бўлган. Оқибатда 199 нафар ходим ҳалок бўлган, шундан 84 нафари (42 фоизи) қурилиш соҳасида меҳнат қилган ишчилардир. Бундан ташқари, ушбу соҳада содир бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатида 113 нафар ишчилар оғир тан жароҳати олган. Шунингдек, қурилиш майдонларида қурилиш ишларига жалб қилинган ходимларнинг қурилиш соҳасига оид билим-малакаси етарли бўлмагани, аксарият ишчилар норасмий ҳолда ишлаб келаётгани амалга оширилган ишларнинг сифатига салбий таъсир қилган.

Пресс-тур давомида Қурилишда ҳудудий назорат инспекцияси масъуллари томонидан ишчилар муҳофазасини таъминлаш, махсус кийимлардан фойдаланиш, қурилишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича керакли тавсиялар берилди.

# Инспекторлар махсус планшетлардан фойдаланади

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси инспекторлари эндиликда ичимлик ва оқова сув тизими хизматларидан фойдаланиш соҳасидаги баённомаларни планшет орқали расмийлаштиришни бошлайди.**






Инспекция томонидан соҳада ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишда электрон тизим ўрнатилган махсус планшетлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Махсус планшетлардан фойдаланишни амалиётда қўллаш мақсадида Сувинспекция томонидан ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Унда Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларидан вакиллар қатнашишди. Йиғилганларга Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази масъул ходимлари томонидан баённомаларни планшетлар ёрдамида расмийлаштириш тартиби батафсил тушунтирилди.

Семинар сўнгида Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларига бириктирилган планшетлар тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Фуқаролар мурожаатлари – эътиборда

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
" O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчи бўлинмалари томонидан Наманган вилоятида оммавий қабуллар ташкил этилди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ҳам иштирок этишди.**

Масалан, Чортоқ туманидаги "Ором" мажмуасида ўтказилган сайёр қабулда Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон, Норин ва Янгиқўрғон туманлари фуқароларининг мурожаатлари тингланиб, белгиланган тартибда ижрога йўналтирилди.

"Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир". Президентимизнинг ана шу сўзлари сайёр қабулнинг бош шиори бўлди дейиш мумкин. Тадбирда Қурилиш вазирининг ўринбосари Ўктам Тўраев ҳам қатнашди ва сайёр қабуллар давомида юридик ҳамда жисмоний шахслардан тушган 81 та мурожаатлар кўриб чиқилиб, уларнинг 70 таси жойида ижобий ечимини топди. Қолган 11 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

# Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш тизими такомиллашмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5152-сонли қарорига асосан, эксперимент тариқасида 2021 йилда 15 та ҳудудда 15 та бошқарувчи ташкилот "очиқ танлов" йўли билан танланди ва фаолият юрита бошлади.**

Мазкур қарор кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришларга туртки берди. Хусусан, 2021 йилнинг II ярим йиллиги ва 2022 йилнинг I чораги оралиғида ушбу 15 та бошқарув компанияси фаолият юрита бошлаганидан сўнг, уларга ширкатлардан ўтган 44 млрд сўм кредит қарздорлиги 21 млрд сўмга камайди. Бундан ташқари, 2022 йилнинг I чорагида 500 га яқин янги иш ўрни яратилди ва ишчилар ойлик маоши 2 баробарга ошди. Шунингдек, аҳоли мурожаатларига тезкорлик билан жавоб бериш мақсадида 24 соат 7 кун режимида фаолият юритадиган авария-диспетчерлик хизматлари ҳамда қўшимча 38 турдаги хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

Уй-жой фондини таъмирлаш ва сақлашда ҳамда аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш мақсадида 2017–2021 йилларда 33 150 та кўп квартирали уйларнинг том қисми, 66 000 та кириш йўлаклари, 18 697 та муҳандислик тармоқлари, 18 428 та фасад қисми таъмирланди. 42 500 та кириш йўлакларига темир эшиклар ва кодли қулфлар ўрнатилди. Қарийб 11 000 та болалар майдончалари қурилди ва таъмирланди. 3,5 миллион кв.м тротуарлар бетон билан қопланди ва 29 мингдан ортиқ ёритиш тизими ўрнатилиб, мингта лифт таъмирланди ёки янгисига алмаштирилди.

Коммунал соҳага доир қонунчилик асослари ҳам такомиллашиб бормоқда. Яқиндагина "Ўзбекистон Республикасининг кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Сенатининг 25-ялпи мажлисида маъқулланди. Шунингдек, Сенатнинг 25-ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида"ги Қонуни ҳам маъқулланди. Унда бошқарувчи ташкилотлар ер, мол-мулк ва даромад солиқларидан озод этилиши белгиланган.

– Соҳада бир қанча муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишда қатор ишлар амалга оширилмоқда, – деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Жамолиддин Қаландаров. – Хусусан, бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга оид тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда бошқарувчи ташкилотларга махсус техника сотиб олиш учун 210 млрд сўм миқдорида 3 йилга мўлжалланган имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши белгиланган. "Оғир" тоифадаги ширкатларнинг мавжуд кредит қарздорлиги ва уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек, фоизларни ҳисоблаш тўхтатилган ҳолда 3 йилга музлатилиши, бунда бошқарувчи ташкилотга мавжуд кредитларни қайта расмийлаштиришда олдинги имтиёзли фоизлар сақлаб қолиниши ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сони ва сифатини оширишга кенг имкониятлар яратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан 2022 йил январь-апрель ойлари давомида юртимиздаги кўп қаватли уй-жой фондларига хизмат кўрсатувчи 120 дан ортиқ уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти ўрганилди. Ўрганиш натижасига кўра, мажбурий бадаллар, кредитлар ва маҳаллий бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ёки талон-торож қилинганлик бўйича 64 ҳолатда 6,3 млрд сўм камомад аниқланган.

Кўп қаватли уйларни таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб боришда пудратчилар томонидан 31 та ҳолатда бажарилмаган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш натижасида 8,5 млрд сўм маблағ мақсадсиз сарфлангани ёки талон-торож қилинганлиги аниқланган. Хусусан, Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш корхонасида 6 ҳолатда 6 млрд 768 млн сўм маблағ пудратчилар томонидан бажарилмаган ишлар ҳажмига қўшиб ёзилган ёки талон-торож қилинган. Мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилди.

Айнан бошқарув ташкилотларида учраётган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва аҳолига қулайлик яратиш, шаффофликни таъминлаш мақсадида "Менинг уйим" биллинг тизими вазирлик томонидан ишга туширилганидан хабарингиз бор. Рақамларга қарайдиган бўлсак, ушбу платформа ишга тушган 2021 йилнинг 1 августидан йил охирига қадар 27,3 млрд сўм пул айланмаси амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг январь ойидан шу кунга қадар "Менинг уйим" биллинг тизими орқали электрон келиб тушган маблағлар 30,8 млрд сўм (27 фоиз)ни ташкил қилган. Лекин, бошқарув компаниялари ёки ширкатлар нақд кўринишида тўғридан-тўғри аҳолидан қабул қилиб олган мажбурий бадал, яъни квартплата суммаси жорий йилнинг шу даврига 117,7 млрд сўмни ташкил қилмоқда. Вазирлик томонидан олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, "Менинг уйим" биллинг тизими орқали бир йилда камида 1 трлн сўм маблағ айланиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, бошқарув ташкилотлари квартплата йиғимларини "Менинг уйим" биллинг тизимига киритиши шарт.

Бу каби ислоҳотлар натижасида бугун юртимизда коммунал соҳада яхши натижаларга эришилиб, юртдошларимизга сифатли хизмат кўрсатиш тизими яратилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36-37 (589-590) 2022 йил 24 май

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ПЛАТФОРМАЛАР

## аҳоли муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга хизмат қилмоқда




**Бугун жамиятда ахборот технологиялари кириб бормаган бирорта соҳа қолмади. Хусусан, қурилиш соҳасида жорий этилаётган электрон тизим ва янги платформалар ҳам юртдошларимиз учун катта қулайлик яратмоқда. Энг муҳими, кишиларнинг вақти тежалиб, беҳуда қоғозбозлик ва оворагарчиликка ҳожат қолмаяпти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4464-сонли қарорига асосан, Қурилиш вазирлиги томонидан "Шаффоф қурилиш" лойиҳаси яратиш доирасида жорий этилган ахборот тизимлари ва платфорамалар қуйидагилардан иборат:

Инвестиция дастуридаги объектлар;
Архитектура-режалаштириш топшириқлари;
Лойиҳа-смета ҳужжатларини архитектура қисмини келишиш;
Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси;
Қурилиш сифати назорати;
Геопортал ахборот тизими;
Тендер электрон платформаси;
Рейтинг ахборот тизими.

**Инвестиция дастуридаги объектлар** – Инвестиция дастурига кирган қурилиш объектларининг манзилли дастурлари ва тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган йиллик манзилли рўйхатини шакллантириш, шунингдек, янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш объектларининг турлари бўйича маълумотлар базасини юритишни таъминлайди. Амалдаги тартибга кўра, Инвестиция дастури бир неча вазирлик ва идоралар томонидан қоғоз кўринишида келишилади. Ушбу тартиботда бир қанча муаммолар мавжуд. Жумладан, вазирлик ва идораларда келишиш муддатлари белгиланмаган, инвестиция дастурга киритилаётган объектларни йилдан-йилга киритилиши, инвестиция дастурини реал самарадорлигини ўлчаш имкони мавжуд эмас, дастур ижроси ҳолати ҳақида маълумотларни жамлаш муаммолари мавжуд.

Шунга кўра, мазкур муаммоларни ечиш мақсадида Инвестиция дастуридаги объектлар ахборот тизими ишлаб чиқилган. Ушбу тизим "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими қошидаги бошқа тизимлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали амалдаги муаммоларни ечиш салоҳиятига эга. Келажакда ушбу  тизимни такомиллаштириш учун Инвестиция дастурига мувофиқ объектлар мониторингини олиб бориш платформасида қурилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган объектларни манзилли рўйхатларини Молия ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари томонидан келишиш ва тасдиқлаш лозим бўлади. Бу тизимда амалга ошириш маълумотлар базасини шакллантириш ва мониторингни онлайн олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ.

**Архитектура-режалаштириш топшириқлари** – архитектура ва қурилиш соҳасида ҳужжатларни ишлаб чиқиш электрон шаклга ўтказилиб, ягона маълумотлар базаси шакллантирилди. Архитектура-режалаштириш топшириқлари (АРТ) учун тегишли коммуникация тармоқлари ташкилотлари томонидан техник шартлар бериш жараёнлари автоматлаштирилди. Тизим ишга тушишидан аввал ушбу жараёнлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза юборилганидан сўнг АРТ ишлаб чиқишга тўланадиган тўловлар учун қоғоз шаклидаги шартнома имзоланар эди. Шунингдек, тегишли коммунникация тармоқлари ташкилотларига хат орқали техник шарт бериш учун мурожаат этилар ҳамда АРТ ҳужжатлари қоғоз шаклида шакллантирилиб, сканер қилган ҳолда Давлат хизматлари марказларига тақдим этилган.

Ҳозирги кунда ушбу жараёнлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Яъни, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилган аризалар автомат тарзда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги Қурилиш органининг ишчи кабинетига келиб тушади. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиб, тўлов учун инвойс юборилади. Тўлов амалга оширилганидан сўнг, техник шартлар тизим орқали олиниб, АРТ ҳужжати электрон шакллантирилади. Сўнгра, электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаатчига  QR-билан тасдиқланган АРТ ҳужжати юборилади.

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ишга тушганидан бугунги кунга қадар АРТ ишлаб чиқиш бўйича 46 419 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан, 32 798 тасига АРТ ҳужжати ишлаб чиқилган. 10 127 таси рад этилган ҳамда 3 494 таси айни пайтда иш жараёнида.

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини архитектура қисмини келишиш** – Лойиҳа-смета ҳужжатларни архитектуравий қисми келишиш учун Қурилиш бош бошқармаларига электрон ахборот тизими my.gov.uz орқали юборилади. Ёнғин хавфсизлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш бўлими хулосалари келиб чиққандан сўнг, Қурилиш бош бошқармаси томонидан электрон тизим орқали якуний хулоса берилади ва у асосида келишилади ёки рад этилади.

Лойиҳа ташкилоти томонидан Давлат хизматлари марказлари ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали (my.gov.uz) юборилади. Тизим ёрдамида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Санитария осойишталик агентлиги, ФВВ Давлат ёнғин назорати бошқармалари ҳамда Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий органларининг тегишли хулосалари берилганидан сўнг, Қурилиш бош бошқармаси томонидан электрон тизим орқали якуний хулоса берилади. Шундан сўнг бу хулоса асосида келишиш ёки рад этиш мумкин бўлади.

Тизим ишга тушишидан аввал ушбу жараёнлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза юборилганидан сўнг Келишиш хулосалари қоғоз шаклида шакллантирилиб, сканер қилган ҳолда Давлат хизматлари марказларига тақдим этилар эди. Ҳозирги кунда ушбу жараёнлар тўлиқ электрон шаклдан ўтказилди, яъни Давлат хизматлари марказлари ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали юборилган аризалар автомат тарзда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги Қурилиш органининг ишчи кабинетига келиб тушади. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиб, тизим орқали Ёнғин хавфсизлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш бўлими тегишли хулосалари берилганидан сўнг, Келишиш хулосаси электрон шакллантирилади. Шундан сўнг, электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, Давлат хизматлари марказига ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаатчига QR-код билан тасдиқланган хулоса юборилади.

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ишга тушганидан бугунги кунга қадар Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича 9 115 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан, 3 412 таси келишиб берилган, 4 988 таси рад этилган (камчиликларни бартараф этиш, тушунтириш берилганлар), 706 таси иш жараёнида.

**Қурилиш экспертизасини рақамлаштириш** – бу жараённинг тўлиқ электрон тизимга ўтишидир. Бунда лойиҳачи масофадан туриб, лойиҳасини экспертизага жўнатади. Экспертлар эса лойиҳани кўриб чиқиб, эътирозли ўринлари бўлса лойиҳачига қайтариб жўнатади. Тайёр ҳолда бўлса қабул қилади. Барча аниқланган камчиликлар, киритилган ўзгартиришлар, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни таъминлайди.

Илгари анъанавий тизим орқали бундай натижага эришиб бўлмас эди. Чунки буюртмачи, пудратчи ёки манфаатдор шахслар томонидан лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнига аралашувига ҳамда ўзаро ноқонуний келишувларга йўл қўйилган. Аввал лойиҳа ҳужжатлари қоғоз вариантда қабул қилиниб, экспертизадан ўтказилгандан кейин ЛСҲ буюртмачига қайтариб берилган, экспертиза ташкилотида ЛСҲ нусхалари сақланмаган.

**Қурилиш сифати назорати** – қурилиш объектларида назорат инспекторлари томонидан аниқланган барча камчиликларни фотосуратлари билан биргаликда тизимга онлайн равишда киритилишини ва назорат жараёнларини автоматлаштиради, маълумотлар ягона базада сақланади. Ишнинг сифати ошиб, унга бўлган вақт сарфи ҳам анчагина камаяди. Жараён рақамлаштирилгандан сўнг, инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилиш таъминланади. Натижада коррупциянинг олди олиниб, жараён шаффофлашади.

Амалдаги тартибга кўра, қурилиш-монтаж ишларида аниқланган камчиликларни ёзма кўрсатма (предписания) шаклида қурилиш иштирокчиларига бериш жараёнида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Инспекторнинг қурилиш объектида ёзма кўрсатма тақдим қилиш имконияти яратилмаган. Ёзма кўрсатма расмий бланкада, матн кўринишида бўлган. Қурилиш иштирокчиларини Инспекцияга боришлари, аниқланган камчиликларни ёзма кўрсатма ҳужжатини расмийлаштириш ишларига кўп вақт сарфланган.

Ҳозирда тизимга аввалдан шакллантирилган қурилиш объекти ҳақидаги маълумотлар асосида инспектор қурилиш объектига чиқиши (мажбурий, геолокация функцияси жорий қилинган), планшет орқали маълум регламент асосида, қурилиш объекти фасад кўринишларини расмга тушириши, қурилиш-монтаж ишлари сифатини фото-фиксация қилиши мумкин. Шунингдек, электрон ёзма кўрсатмага аниқланган камчиликларни матн ва расм шаклида тизим иштирокчиларининг мобил иловаларига юбориш имконияти ҳам яратилди. Бу эса, ўз навбатида, тизим иштирокчилари томонидан электрон ёзма кўрсатма берилган камчиликларни ўз вақтида ва сифатли бартараф этишларига имкон яратади.

**"Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри" географик ахборот тизими (Геопортал)** – архитектура-шаҳарсозлик йўналишида зарур маълумотларни тезкорлик билан излаш имконини берувчи мазкур тизим 2020 йил февраль ойида тажриба тариқасида ишга туширилди. Геоахборот тизими аҳоли пунктларининг истиқболини белгиловчи шаҳарсозлик ҳужжатларини: бош режаларни, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ҳудудларни меъморий режалаштириш лойиҳаларини ўз ичига олади.

Фойдаланувчилар, Геоахборот тизими орқали режалаштирилаётган қурилишлар, бузилишга тушган ҳудудлар ва муҳандислик тармоқлари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, республика ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш учун аниқ ва самарали қарорлар қабул қилинишини, урбанизация жараёнларини тизимли бошқаришни, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳарсозлик масалалари бўйича тезкор қарорлар қабул қилинишини, аҳолининг ердан фойдаланиш самарадорлигини оширилишини, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларнинг қулай бизнес юритишларини таъминлайди.

Келгусида тизимни такомиллаштириш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилаётган барча аризаларда Ер кадастри рақамини мажбурий киритишни жорий этиш керак. Бу, ўз навбатида, яратилаётган Геопортални Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари ягона тизими билан интеграциялаш ва ариза тушган барча объектларнинг ер участкалари геопозициясини аниқлаш имконини беради.

**Тендер электрон платформаси** – Қурилиш соҳасида электрон тендер тизими танловдан инсон омилини деярли бартараф этади. Тизим таклифларни ташкилотлар рейтинги асосида ва уларни тижорат таклифини автоматик равишда баҳолаган ҳолда ижрочи ташкилотни аниқлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги "Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 46-сон қарорига мувофиқ, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун пудрат ташкилотларини фақат давлат харидлари электрон тизимининг электрон тендер савдолари ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Шунга кўра, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Давлат активларини бошқариш агентликлари билан ўзаро маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида ахборот тизимлари ўртасида интеграция қилиш йўлга қўйилди.

**"Огоҳ фуқаро" платформаси** – фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини беради.

**"Қурилиш пудрат ташкилотлар рейтинги" ахборот тизими** – "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида Қурилиш соҳасида лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги "Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора- тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорига асосан "Қурилиш пудрат ташкилотлар рейтинги" ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Қурилиш пудрат ташкилотларини рейтинги Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали шакллантирилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг reestr.uz порталига "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими киритилди.

Бир сўз билан айтганда, мақсадимиз – ушбу ахборот тизими ва платформалар орқали соҳага ахборот технологияларини тўлиқ жорий этиш ҳамда юртдошларимизга янада қулайлик яратишдир.

**Ахборот тизимлари ва рақамли технологиялар бўлими.**

## TA’LIM MUASSASALARIDA

# "Yangi iste’dodlar – 2022" Respublika ko‘rik-tanloviga tayyorgarlik avjida

**Xabaringiz bor, "Yangi iste’dodlar – 2022" Respublika ko‘rik-tanlovi joriy yilning 27 may kuni bo‘lib o‘tishi belgilangan.**







Respublika tanlovida Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish institutining munosib ishtirokini ta’minlash maqsadida tanlovning institut bosqichi bo‘lib o‘tdi. Tanlovda qator mutaxassislik yo‘nalishlari bo‘yicha talabalar o‘zlarining ijodiy ish namunalari, arxitekturaviy loyihalari bilan qatnashdilar.

Shuningdek, tanlov maxsus komissiyasi tomonidan belgilangan nominatsiyalar bo‘yicha ham ijodiy ishlar baholandi.

G‘oliblar respublika bosqichida ishtirok etish huquqini qo‘lga kiritishdi.

# SamDAQIda respublika ilmiy-nazariy konferensiyasi

**Institutning "Ijtimoiy fanlar" kafedrasi tashkilotchiligida "Yangi O‘zbekiston g‘oyasi va taraqqiyot bosqichlarining ma’naviy-ma’rifiy, siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy masalalari, yoshlarning faolligini oshirish muammolari" mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy konferensiyasi bo‘lib o‘tdi.**

Mazkur ilmiy konferensiya Qoraqalpog‘iston Respublikasi Nukus davlat pedagogika instituti bilan hamkorlikda tashkil qilinib, har ikki oliygohning konferensiya ishtirokchilari "ZOOM" platformasi orqali ulanib, yalpi yig‘ilishda o‘z chiqishlarini amalga oshirdilar.

Konferensiyani institut rektori Chedim Janbay Turkyilmaz ochib berdi. Shuningdek, Samarqand viloyati hokimining turizm, sport, madaniyat, madaniy meros va ommaviy kommunikasiyalar masalalari bo‘yicha o‘rinbosari Rustam Qobilov so‘zga chiqib, konferensiya ishiga muvaffaqiyat tiladi.

Anjumanning yalpi yig‘ilishida falsafa fanlari doktori, professor, Imom Buxoriy Xalqaro ilmiy tadqiqot markazi direktori bosh maslahatchisi B. Turayev, SamDU professori S. Karimov, SamDAQI professori A. Uralov, SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri, dotsent A. Quldoshyev va Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti dotsenti G. Safarova va boshqalar o‘z ma’ruzalari bilan chiqish qildilar.

Konferensiyada Respublikaning turli oliy o‘quv yurtlaridan masofaviy va an’anaviy tarzda 100 dan ziyod professor-o‘qituvchilar, yosh olimlar, magistr va talabalar ishtirok etdi.

# TAQIda xalqaro hamkorlik

**Toshkent arxitektura-qurilish instituti rektori Erjan Kahya hamda Italiya Respublikasining O‘zbekistondagi Favqulodda va muxtor elchisi Agostino Pinna bilan rasmiy uchrashuv bo‘lib o‘tdi.**



Unda Erjan Kahya, institut ilmiy kotibi Alisher Sultonov hamda Xalqaro hamkorlik bolim boshlig‘i Anzirat Nigmadjanova ishtirok etdi. Uchrashuv davomida Agostino Pinna Italiyadagi arxitektura va qurilish sohasida faoliyat olib boruvchi universitetlar, arxitektura va qurilish kompaniyalari tog‘risidagi ma’lumotlar bilan tanishtirib o‘tdi.

Shuningdek, o‘zaro hamkorlik aloqalarini rivojlantirish, talabalar va professor-o‘qituvchilar almashinuvi, hamkorlikda ilmiy izlanishlar olib borish, ilmiy konferensiya, seminar va vorkshoplarda ishtirok etish masalalari muhokama qilindi.

Uchrashuvda Toshkent arhitektura-qurilish instituti hamda Italiya Respublikasining O‘zbekistondagi Favqulodda va muxtor elchisi Agostino Pinna bilan o‘zaro hamkorlik shartnomasi imzolashga ham kelishib olindi.

# O‘quv qo‘llanma taqdimoti

**Toshkent arxitektura-qurilish institutida Bino va inshootlar qurilishi fakulteti Gidrotexnika inshootlari, zamin va poydevorlar kafedrasi professor-o‘qituvchilari, doktorantlar, magistrantlar va talabalar ishtirokida ilmiy-amaliy seminar bo‘lib o‘tdi.**

Seminarga Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti professori, t.f.d. Asqar Xasanov hamda dotsent t.f.n Zohir Hasanov tashrif buyurishdi.

Seminardan asosiy maqsad, Gidrotexnika sohasidagi bugungi kunda erishilayotgan yutuqlar bilan professor-o‘qituvchilar va talabalarni tanishtirishdir.

Bundan tashqari, "Прочность и устойчивость грунтов" nomli monografiya va "Инженерлик геология ва грунтлар механикаси" o‘quv qo‘llanmasining taqdimoti ham bo‘lib o‘tdi.

**O‘z muxbirmiz.**

# КЛАСТЕР УСУЛИ: 2021 ЙИЛДА 437 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ ТЕЖАЛИШИГА ЭРИШИЛДИ



**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Маълумки, бугунги кунда энг керакли ва эҳтиёж юқори бўлган манба бу электр энергиясидир. Шу маънода истеъмолчиларга сифатли электр энергияси етказиб бериш, соҳани янада ислоҳ қилиш, янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, рақамлаштириш жараёнлари, зарур электр қурилмалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби йўналишларда самарали фаолият олиб бораётган “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ҳозирда иқтисодиётнинг барча тармоғи учун истиқболли ҳисобланган кластер тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ғояси асосида амалиётга татбиқ этилган кластер йўналиши юқорида таъкидланганидек, электр энергетикаси тизимида инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, электр таъминоти узвийлигини таъминлаш, ҳудудлардаги электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилишга хизмат қилади.

## ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШДА САМАРАДОРЛИК

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳа ўз ривожини тўлақонли ташкил этилиши ва ривожлантирилиши учун кичик бир деталдан тортиб йирик механизмларгача ишлаб чиқаришни йўлга қўя олсагина, кўзланган мақсадга эришиши мумкин. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан кейинги йилларда бу борада олиб борилган самарали ҳаракатлар бугун мавжуд электр қурилмалар ва тармоқларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини янада жадаллаштириш имконини яратди.

Ушбу йўналишдаги дастлабки муҳим қадамлардан бири эса Жамиятнинг ўзида Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш бўлимининг ташкил этилиши бўлди. Биламизки, ҳар бир амалга оширилиши зарур бўлган эзгу ҳаракатларнинг дебочаси бу мукаммал лойиҳалар ҳисобланади. Авваллари бу ишлар буюртма асосида лойиҳалаш институтлари билан шартнома асосида амалга ошириб келинган бўлиб, ушбу жараёнда керакли мутахассис ажратилиши, якуний лойиҳа тайёр бўлиши учун узоқ вақт талаб этилиши, уни қайта таҳрирлашга қўшимча маблағ сарф этилиши белгиланган дастурлар ижросини таъминлашда қатор ноқулайликлар келтириб чиқарган.

Ҳозирда Жамият таркибий корхоналарида фаолияти йўлга қўйилган бўлимлар ёрдамида нафақат иш самарадорлигини ошириш, балки иқтисодий зарарни камайтиришга эришилмоқда. Масалан, биргина 2021 йилда мазкур бўлимлар томонидан республика миқёсида жами 15 000 километр ҳамда 4 000 дона трансформатор пункти қуриш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши натижасида бу борадаги сарф-харажатларнинг қарийб учдан икки қисми тежаб қолинди.

Қиёслайдиган бўлсак, 1 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 1 дона трансформатор пунктининг лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳалаш институтлари томонидан ўртача 7-7,5 миллион сўм эвазига тайёрланган бўлса, хўжалик ҳисобида мазкур ишларга бор-йўғи 1-1,5 миллион сўм сарфланмоқда. Бу бир дона лойиҳа-смета ҳужжатидан 6 миллион сўм атрофида маблағ тежаб қолинмоқда дегани.

Бу ҳаммаси эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурида белгиланган электр тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларини янгилаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари соҳа экспертизаси томонидан кўриб чиқилиши ҳамда ўрнатилган тартибда экспертиза хулосалари берилиши натижасида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 7,2 млрд сўм атрофида маблағ иқтисод қилинишига эришиларкан.

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Таъкидлаш жоизки, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ҳар бир ҳудудий корхона учун махсус лицензиялар олиб, лойиҳа гуруҳлари ҳамда қурилиш бригадалари ташкил этилгани ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва капитал қўйилмаларга харажатларни қисқартиришга хизмат қиляпти. Хусусан, бугунги кунда фаолияти йўлга қўйилган 13 та темир-бетон таянч тайёрлаш ҳамда 13 та траверс маҳсулотлари, темир конструкциялар, СИП арматуралари ва бошқа зарур жиҳозлар ишлаб чиқариш цехлари ёрдамида Жамият зиммасидаги вазифалар ўз вақтида бажарилишига эришилмоқда.

Шу ўринда яна бир қиёс. Бугунги кунда пудратчи корхоналар томонидан бир дона таянч устун етказиб бериш ўртача 1 миллион 300 минг сўмга баҳоланаётган бўлса, ички имкониятларни ишга солиш орқали ушбу маҳсулотнинг таннархи барча сарф-харажатларни қўшиб ҳисоблаганда 850 минг сўмни ташкил этмоқда. Биргина ўтган йил давомида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури ижросини таъминлаш доирасида республика ҳудудларида 15 минг километр электр узатиш тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш ишлари натижасида 5 377 та маҳаллада яшаётган 2 миллиондан ортиқ аҳолининг электр энергияси таъминоти замон талабига мослаштирилгани, шунингдек, “оғир” ва “ўта оғир” ҳудудларда 2 минг 654 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 701 та трансформатор пункти ҳолати яхшилангани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 10 минг 379 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 2 минг 799 та трансформатор пунктида янгилаш ва реконструкция ишлари амалга оширилгани, бу борадаги ишлар учун жами 132 минг 412 та таянч ва 140 мингдан ортиқ траверс маҳсулотлари ишлаб чиқарилганини ҳисобга олсак, иқтисодий самара кундек равшан бўлади.

Рақамларга мурожаат қилсак, маблағлардан оқилона фойдаланиш ҳамда қурилиш ишларидаги харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 2021 йилда жами 437 млрд сўм, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларидан – 278 млрд сўм, лойиҳа-смета ва экспертиза ҳужжатларини тайёрлашдан – 86 млрд сўм, темир-бетон таянчлар ва траверс маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан – 73 млрд сўм миқдоридаги маблағ тежалишига эришилди.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ОПТИМАЛЛАШТИРИЛГАНДА

Паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш ишлари ҳам яқин йилларга қадар ташқи қурувчи корхоналар томонидан амалга ошириларди. Таҳлиллар 1 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи ҳамда 1 дона трансформатор пункти қуриш-монтаж ишлари пудратчи корхоналар томонидан ўртача 65,0 млн сўмга баҳолангани, бугунга келиб эса Жамият томонидан ушбу ишларга ўртача 28,0 млн сўм маблағ сарфланаётганини кўрсатмоқда. Англашиладики, ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли йилига 38,0 млрд сўм тежаб қолинишига эришилмоқда.

Бундан ташқари, турли табиий офатлар ва юкламанинг ошиб кетиши таьсирида куч трансформаторларининг яроқсиз ҳолга келиб қолиши истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган. Бу каби муаммоларни тез ва сифатли бартараф этиш учун электр ускуналарини таъмирлаш хизмати фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда тажрибали мутахассислар томонидан 630 кВА қувватгача бўлган трансформатор пунктлари қисқа муддатларда таъмирланиб, ҳудудларга етказилмоқда ва қайта тармоққа уланяпти.

Жамият таркибий корхоналари томонидан мавжуд электр узатиш тармоқлари ва электр қурилмаларининг узоқ йиллар хизмат кўрсатиши ҳамда юзага келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатларни олдини олиш мақсадида тармоқларда жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Сўзимиз исботи сифатида биргина 2021 йил давомида 28 247 дона турли қувватдаги транформатор пункти ҳамда 73 781,4 километр узунликдаги юқори ва паст кучланишли электр узатиш тармоқлари жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилганини келтириб ўтиш жоиздир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иш юритишнинг кластер тизимига ўтилишидан кўзланган асосий мақсад – ички имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда соҳа учун зарур бўлган йигирмадан ортиқ турдаги электр қурилма ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, энг муҳими эса 600 га яқин янги иш ўрни ташкил этишдан иборатдир. Зеро тизимда олиб борилаётган бу каби ислоҳотлар замирида электр таъминоти барқарорлигига эришиш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятимизни юксалтириш каби эзгу ғоя мужассам.

# ҲУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

### Сурхондарё вилояти

## “АРМИЯ ОСТОНАСИ” ЯНГИ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ

**Мудофаа ишлари бўлимларини “армия остонаси”, деганларича бор. Чунки мана шу жойда бўлажак посбонлар ҳарбий хизматга тайёрланади.**

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар туфайли Денов тумани бўлимига замон талабидаги янги бино қуриб берилди. Ихтисослашган замонавий иншоотда барча қулайликлар яратилган.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР АМАЛИЁТДА АСҚАТЯПТИ

**Термиз туманида жойлашган “Термиз тезкор қурилиш” ИТҚТ тасарруфидаги темир-бетон заводи тўрт йил аввал иш бошлаганди.**

Ишлаб чиқаришга Россия ҳамда Хитой давлатларидан олиб келинган замонавий ускуналарнинг ўрнатилгани шебень, интер бетон плиталар, шлакоблок маҳсулотларини сифатли тайёрлашда асқатмоқда. Корхонада 30 кишининг бандлиги ҳам таъминланган.

### Бухоро вилояти

## МАКТАБЛАРДА ИЧИМЛИК СУВ МУАММО БЎЛМАЙДИ

**2021 йилда “Замин” фонди томонидан Бухоро вилоятидаги 15 та умумтаълим мактабида сув таъминоти ва санитария тизими яратилиши белгиланган эди.**

Бунинг учун махсус қудуқ бурғуланиб, сув тозалаш ускунаси ўрнатилиши ва зарур инфратузилма яратилиши назарда тутилган. Лойиҳа учун 19 млрд сўм маблағ ажратилган бўлиб, айни пайтда Ғиждувон туманидаги 5 та, Пешкуда 3 та, Жондорда 2 та, Шофирконда 4 та ҳамда Ромитан туманидаги 1 та умумтаълим мактабларида қурилиш жараёнлари олиб бориляпти. Яқин кунларда мазкур мактаблар тоза ичимлик сув билан таъминланади.

## ҚОРАКЎЛДА МТТЛАР СОНИ 138 ТАГА ЕТДИ

**Яқинда Қоракўл туманининг Арна маҳалласида 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Инвестиция дастурига кўра, “Умар бобо” МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилган иншоот қурилишига 3 млрд 133 млн сўм маблағ сарфланди. Замонавий масканнинг иш бошлаганидан нафақат болажонлар, ота-оналар ҳам мамнун бўлишмоқда.

Таъкидлаш керак, Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори доирасида Қоракўлда 138 та мактабгача таълим муассасалари барпо этилиб, болажонлар қамрови таъминланди.

### Қорақалпоғистон Республикаси

## ТАХИАТОШДА 19 ТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШАДИ

**Тахиатош туманида ташкил этилган Сурхондарё вилояти штабидан олинган маълумотга кўра, 2022-2023 йилларда қиймати 239,6 млрд сўмлик 19 та лойиҳа амалга оширилиши ва 1 372 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.**

Шу кунларда белгиланган режалар бўйича ишлар жадаллик билан бормоқда. Масалан, “Остона килем” МЧЖнинг “Кооперация асосида жундан ип йигирув ва гилам тўқиш фаолиятини ташкил этиш” лойиҳаси амалда татбиқ этила бошлади.

## 100 НАФАР КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

**Нукус туманидаги “Қрантаў” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Aqmang‘it kamalak invest” МЧЖга қарашли тикувчилик корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Қиймати 5,4 млрд сўмлик мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши билан юзта иш ўрни яратилди.**

Йилига 150 минг дона тикувчилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонага дафтарлар рўйхатида турган кишилар қабул қилиниб, уларни касбга ўргатиш ҳамда тажрибаларини ошириш мақсадида Туркия давлатидан тажрибали мутахассислар жалб қилинган.

**Ўз мухбиримиз.**


# “ШАҲРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 17 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда жойлашган “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.shahrisabzpaxta.uz

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиқлаш.
5. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ ташқи аудиторининг 2021 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг ўтган йиллардаги тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
8. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
9. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
10. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
12. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
14. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиш.
15. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖдаги мавжуд фойдаланилмаётгани учун таъсирчан солиқ механизми қўлланилаётган объектларни давлат тасарруфига бериш масаласи.
16. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖдаги муддати ўтган дебитор қарздорликларини жамият харажатига олиб бориш.
17. Йиллар мобайнида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиб келингани натижасида бугунги кунда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни;

– кўп йиллардан буён омборларда харидор бўлмагани сабабли сотилмасдан сақланиб қолдиқда қолиб келаётган, вақт ўтиши, сақланиши эвазига ўзининг сифатини йўқотган, яроқлилик муддати ўтган турли хилдаги товар-моддий қимматликлар, химикатлар;

– пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва пахта маҳсулотларини истеъмолчиларга ортиб жўнатиш жараёнларида ишлатиладиган ҳар хил турдаги ҳисоб-китоб бланклари, (ХЛ ва дафтарлар) пахта хом ашёсини етиштириш, қабул қилиш бўйича контрактация шартномаси бланклари ва турли хилдаги этикетка, ёрлиқлар;

– носоҳавий йўналишлар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида фойдаланиладиган турли хил китоблар, адабиётлар;

– уй-рўзғор жиҳозлари, турли хилдаги кийим-кечак (трикотаж) маҳсулотларини қонунчиликда белгиланган тартибда чиқим қилиш мақсадида бухгалтерия миллий стандартлари талаблари асосида инвентаризациядан ўтказиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

18. Баҳолаш жараёнида мустақил баҳолаш ва экспертиза хулосалари асосида омбордан сотилган асосий воситалар ва товар-моддий бойликларнинг бухгалтерия дафтар қолдиғи қиймати билан баҳоланган нархи ўртасидаги фарқ суммаларини;

– таъсисчи (иштирокчи) сифатида корхона, ташкилот, МЧЖларга киритилган таъсис улушларнинг қайтарилмагани ҳисобидан кўрилган зарар суммаларини;

– корхонанинг бухгалтерия баланси қаторларидаги ўтган йиллардан келаётган зарарлар, ундириш имконияти мавжуд бўлмаган камомадлар ва умидсиз дебитор қарздорлик суммаларини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш;

– талаб қилиш муддати ўтган эски йиллардан шаклланиб келаётган, суд қарорлари, ижро ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва кредитор корхона томонидан сўровномалар берилмаган кредитор қарздорликларни таҳлил қилиб корхона даромадига олиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2022 йил 23 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2022 йил 13 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уй.

**Электрон почта:** shahrisabzpaxta@mail.ru

**Тел.:** 97-382-07-20.

## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-04 | Реконструкция ДОУ №28 (90 мест) в СГМ "Озодлик" Баяутского района Сырдарьинской области | 2 418 318 303 сум без НДС | 84 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-06 | Реконструкция ДОУ №26 (100 мест) в СГМ "Пахтакор" Баяутского района Сырдарьинской области | 2 856 108 806 сум без НДС | 143 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-07 | Реконструкция ДОУ №14 (120 мест) в СГМ "Ифтихор" Баяутского района Сырдарьинской области | 3 420 281 777 сум без НДС | 165 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-05 | Реконструкция ДОУ №34 (120 мест) в СГМ "Узбекистон" Баяутского района Сырдарьинской области | 4 322 652 974 сум без НДС | 195 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-08 | Реконструкция ДОУ №21 (90 мест) в СГМ "Бобоюрт" Баяутского района Сырдарьинской области | 1 888 171 670 сум без НДС | 143 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-09 | Реконструкция ДОУ №23 (90 мест) в СГМ "Мукумий" Баяутского района Сырдарьинской области | 2 632 970 103 сум без НДС | 201 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-11 | Реконструкция ДОУ (90 мест) в СГМ "Тинчлик" Баяутского района Сырдарьинской области | 3 575 286 783 сум без НДС | 140 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-12 | Реконструкция ДОУ (120 мест) в СГМ "Бунёдкор" Баяутского района Сырдарьинской области | 4 174 363 308 сум без НДС | 174 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-01 | Реконструкция ДОУ №9 (80 мест) в СГМ "Коракум" Хавастского района Сырдарьинской области | 3 036 615922 сум без НДС | 147 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-02 | Реконструкция ДОУ №8 (90 мест) в СГМ "Кайирма" Хавастского района Сырдарьинской области | 2 997 012543 сум без НДС | 145 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-20 | Реконструкция систем питьевого водоснабжения в СГМ "Бирлашган" Сардабинского района Сырдарьинской области | 3 261 682 030 сум без НДС | 225 календарных дней |

### Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при хокимияте Сырдарьинской области

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 270 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области**<br>**Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).<br>**Факс:** (67) 227-64-42.<br>**Тел.:** (67) 227-64-48.<br>**E-mail:** tender-12@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов Сырдарьинской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001<br>Сырдарьинский филиал<br>АО "НБУ ВЭД РУз"<br>**ИНН:** 202 585 476 **МФО:** 00363 |

**Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-04 | Реконструкция ДОУ №28 (90 мест) в СГМ "Озодлик" Баяутского района Сырдарьинской области | 48 366 366 сум |
| MOEI-RIDP-SYR-W-06 | Реконструкция ДОУ №26 (100 мест) в СГМ "Пахтакор" Баяутского района Сырдарьинской области | 57 122 176 сум |
| MOEI-RIDP-SYR-W-07 | Реконструкция ДОУ №14 (120 мест) в СГМ "Ифтихор" Баяутского района Сырдарьинской области | 68 405 636 сум |
| MOEI-RIDP-SYR-W-05 | Реконструкция ДОУ №34 (120 мест) в СГМ "Узбекистон" Баяутского района Сырдарьинской области | 86 453 059 сум |
| MOEI-RIDP-SYR-W-08 | Реконструкция ДОУ №21 (90 мест) в СГМ "Бобоюрт" Баяутского района Сырдарьинской области | 37 763 433 сум |
| MOEI-RIDP-SYR-W-09 | Реконструкция ДОУ №23 (90 мест) в СГМ "Мукумий" Баяутского района Сырдарьинской области | 52 659 402 сум |
| MOEI-RIDP-SYR-W-11 | Реконструкция ДОУ (90 мест) в СГМ "Тинчлик" Баяутского района Сырдарьинской области | 71 505 736 сум |
